

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИМАТОВ МАХСАДБЕК МУЙДИНОВИЧ**

**ФЕРРОЦЕН ВА МЕТИЛОЛМОЧЕВИНА ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ  
ҲАМДА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хожиматов Махсадбек Муйдинович**

Ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари синтези ҳамда уларни  
синфлаш..... 3

**Хожиматов Махсадбек Муйдинович**

Синтез производных ферроцена и метилолмочевины и их  
классификация..... 21

**Khojimatov Maxsadbek Muydinovich**

Synthesis of derivatives of ferrocen and methylol urea and their classification. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИМАТОВ МАХСАДБЕК МУЙДИНОВИЧ**

**ФЕРРОЦЕН ВА МЕТИЛОЛМОЧЕВИНА ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ  
ҲАМДА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К37 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Асқаров Иброҳим Раҳмонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исақов Муҳаммаджон Юнусович**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.Х.Хаитбаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор

**М.Ахмадалиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н., доцент

**В.У.Хўжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳоли сонининг ошиши уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам ортишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги амалиётига экинлар ўсиш ва ривожланишини бошқарувчи ҳамда ҳосили сифати яхшиловчи биологик фаол моддаларни жорий этилиши соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топишга имкон беради. Шунга кўра, янги турдаги биологик фаол модда манбаларини аниқлаш, уларни синтез қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиёти экинларни ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигини ошишига ижобий таъсир этувчи янги турдаги моддаларни синтез қилиш ҳамда улар самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу эса, маҳаллий хомашёлар асосида хоссалари жиҳатидан бошқа препаратлардан устун турадиган, экологик тоза биологик фаол моддаларни синтез қилишни талаб этади. Айниқса, кенг биологик таъсирга эгаллиги ва экинларга безарарлиги билан бошқа биостимуляторлардан ажралиб турадиган, таркибида ферроцен, метилолмочевина, тиомочевина ва улар ҳосилаларини сақловчи бирикмаларни олиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, ферроцен ва метилолмочевина сақловчи хомашёларни аниқлаш, улар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари учун янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгач кимё саноатини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохатлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланиладиган ўғит ва препаратлар яратишга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратadbирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, айрим металлмаслар ва металлорганик бирикмалар асосида биологик фаол бирикмалар синтез қилиш ва уларни қўллашда муҳим натижаларга эришилди. Шунингдек, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб, ферроцен ва метилолмочевина комплекслари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республикамиздаги ферроцен ва метилолмочевина сақловчи ресурсларни аниқлаш, улар асосида янги биологик фаол моддалар синтез қилиш, кимёвий таркиби бўйича тегишли синфларга ажратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2884-сон ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ферроцен ва унинг ҳосилалари устида кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Россияда А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, В.Д.Вильчевская, Германияда С.А.Шлөгль, Грузияда Л.Асатиани, Беларусияда Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин, Америка Қўшма Штатларида Р.Б.Вудворд каби олимлар ферроценнинг алифатик, ароматик ҳосилаларини синтез қилдилар.

Ўзбек кимёгар олимлари ҳам ферроцен ҳосилалари устида бир қанча тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар бу борада сезиларли ютуқларга эришганлар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторлар кимё фанлари доктори, профессорлар А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров ва уларнинг шогирдлари кимё фанлари номзодлари, доцентлар Т.Насриддинов, С.Каримов, Ш.М.Қирғизов, А.М.Жўраевлар ҳам бу борада диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар. Монометилолмочевина, диметилолмочевина ва метилендимочевина, тиомочевина ҳосилалари устида М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, К.Ғ.Содиқов, Ҳ.У.Усмонов, Х.Исақов каби кимёгар олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ферроценни алифатик ва ароматик ҳосилалари синтези ҳамда метилолмочевина, тиомочевина асосида олинган биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, лекин таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун, таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтез қилиш, хоссаларини физик-кимёвий усулларда аниқлаш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети “Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ферроцен ва метилолмочевина, метилолтиомочевина ҳосилалари асосида янги бирикмалар синтез қилиш, уларни ичида биостимулятор хоссасига эга бўлганларини аниқлаш, янги

биостимуляторлар учун кимёвий таркиби асосида ҳалқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ферроцен ва метилолмочевина асосида янги биологик фаол бирикмалар синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физикавий хоссалари, таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;

синтез қилинган бирикмалардан биологик фаоллиги юқори бўлган моддаларни аниқлаш;

аниқланган биологик фаол бирикмаларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ферроцен, монометилолмочевина, диметилолтиомочевина ва уларнинг ҳосилалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда юпка қатламли ва колонкали хромотография, ИҚ- ва масс-спектроскопия, элемент анализи ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ферроцен ва метилолмочевина ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилинган;

*n*-ферроценилфенол, *m*-ферроценилбензой кислотасини метилолмочевина, метилендимочевина билан ҳосилалари diaзотирлаш реакцияси натижасида турли ҳил эритувчиларда ҳосил бўлиши аниқланган;

таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби ва физикавий хоссалари аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ферроцен ва метилолмочевинадан ташкил топган ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи «АДУМАХ» биостимулятор яратилган;

таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилаларини тутган бирикмалар кимёвий таркиби асосида синфланган ҳамда уларга тегишли код рақамлари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни юпка қатламли ва колонкали хромотография усулларида ажратиб олиниб, элемент анализи, ИҚ- ва масс-спектроскопия усуллари асосида таркиби ва тузилишини аниқланганлиги, уларнинг биостимуляторлик хоссаларини етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диазотирлаш реакцияси бўйича ферроцен ва метилолмочевина асосида биологик фаолликка эга бўлган бирикмалар синтезини амалга ошириш йўллари таклиф этилганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, айрим бирикмаларни биологик фаоллигини тадқиқ этиш билан изоҳланади.

Синтез қилинган баъзи бирикмалар қишлоқ хўжалиги экинлари учун биостимулятор хоссасига эга эканлиги, янги синтез қилинган биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақамлари берилиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш учун хизмат қилиши тадқиқот ишининг амалий аҳамиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ферроцен ва метилолмочевина асосида синтез қилинган биологик фаол моддаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ферроцен ва метилолмочевина асосида синтез қилинган «АДУМАХ» биостимуляторини қўллаш технологияси 2012-2016 йиллар давомида Андижон ва Фарғона вилоятларидаги жами 100 гектар ғўза майдонларига жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 07/23-1126-сон маълумотномаси). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган ғўза майдонларидан гектаридан қўшимча 3-5 ц ҳосил олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ферроцен ва унинг ҳосилалари учун 2942 00 000 1, азот тутувчи ферроцен ҳосилалари учун 2942 00 000 2 код рақамлари ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 06 январдаги 1/16-8-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида ферроцен ва азот сақловчи биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та халқаро 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий




натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ферроцен, мочевина, тиомочевина ҳамда уларнинг ҳосилалари”** деб номланган биринчи бобида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Ушбу бирикмаларнинг реакция тенгламалари ва шароитлари, кимёвий хоссалари, ишлатилиши ҳамда аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари синтези”** деб номланган иккинчи бобида ферроцен, п-ферроценилфенол, м-ферроценилбензой кислоталарининг монометилолмочевина, монометилолтиомочевина, диметилолмочевина, диметилолтиомочевина, метилендимочевина, метилендитиомочевина каби бирикмалар ҳосилалари асосида синтез қилинган янги моддаларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ҳамда уларнинг биологик фаолликларини ўрганиш бўйича олинган натижалар муҳокама қилинди.

**N-метилоксиферроцениламид синтези.** Ферроценнинг монометилолмочевина билан реакцияси қуйидаги схема бўйича олиб борилди.



Ҳосил бўлган аралашмадаги моддалар колонкали хроматография усулида бир-биридан ажратилди. Олинган N-метилокси-ферроцениламид унуми 52 % ни ташкил этди. Формулада кўрсатилган тузилишни унинг ИҚ спектридаги 1000 ва 1105 см<sup>-1</sup> да ферроцен қолдиғида алмашмаган циклопентадиенил халқага, 1407 см<sup>-1</sup> даги ютилиш чизиги -OH гуруҳга ва 3094 см<sup>-1</sup> даги -NH-гуруҳларга тегишли ютилиш чизикларида мавжудлиги тасдиқлайди.




1-расм. N-метилоксиферроцениламиднинг ИК спектри

1-жадвал

N-метилоксиферроцениламиднинг элемент анализ натижалари

Модда №	Формуласи	C, %		H, %		Fe, %		T <sub>c</sub> , °C
		Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	
I	C <sub>12</sub> H <sub>13</sub> FeNO <sub>2</sub>	55,4	55,6	4,95	5,02	21,4	21,6	145-146


**N-метилоксиферроценилтиоамид синтези.** Ферроценнинг монометилолтиоомочевина билан реакциялари натижасида ҳосил бўлган аралашма колонкали хроматография усулида ажратилди. Синтез қилиниб олинган асосий модда - N-метилоксиферроценилтиоамиднинг унуми 45 % ни ташкил этди. Ушбу модданинг эритувчиларда эрувчанлиги ацетон > диэтилэфир > диэтиленгликолнинг диэтилэфери > диоксан > ДМФА > хлороформ > гексан > гептан > октан тартибига камаяди. Тузилиши ИҚ спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинганда 1008 ва 1121 см<sup>-1</sup> да нурнинг ютилганлиги ферроцен қолдиғида алмашмаган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 1400 см<sup>-1</sup> даги ютилиш чизиғи ОН гуруҳ, 2812 см<sup>-1</sup> да -CH<sub>2</sub>- гуруҳ, 3428 см<sup>-1</sup> да -NH- гуруҳлар мавжудлигидан далолат беради. Реакция схемаси қуйидагича:



## N-метилоксиферроценилтиоамид элемент анализ натижалари

Модда №	Формулasi	C, %		H, %		Fe, %		T.c. °C
		Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	
II	C <sub>12</sub> H <sub>13</sub> FeNSO	52,50	52,55	5,0	5,1	20,3	20,4	135-136

**1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]ферроцениамид синтези.** *n*-Ферроценилфенолнинг метилолмочевина билан реакцияси натижасида ҳосил бўлган моддалар аралашмаси колонкали хроматография усулида ажратилди. 1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]ферроцениамид унуми 54 % ни ташкил этди. ИҚ спектроскопиядаги 998 ва 1103 см<sup>-1</sup> да ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқага, 1407 см<sup>-1</sup> да ОН гуруҳга, 2851 см<sup>-1</sup> да СН<sub>2</sub> гуруҳга, 3098 см<sup>-1</sup> да -NH- гуруҳга хос чизиқлар аниқланди. Реакция схемаси қуйидагича таклиф этилди:





## 1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]ферроцениамиднинг элемент анализ натижалари

Модда №	Формулasi	C, %		H, %		Fe, %		T.c., °C
		Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	
III	C <sub>18</sub> H <sub>18</sub> FeNO <sub>3</sub>	64,22	64,28	5,33	5,35	16,61	16,7	120-121

1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]-ферроцениамид масс-спектроскопия методи ёрдамида анализ қилинди. 288 *m/z*, 316 *m/z* да функционал гуруҳлар чўққи берганлиги кузатилди.

**N-метилокси(1'-ферроцен-1-ил)-тиокарбамид синтези.** *n*-Ферроценилфенолнинг монометилолтиомочевина билан реакциясидан ҳосил бўлган моддалар аралашмаси колонкали хроматография усулида ажратилди. N-метилокси-(1'-ферроцен-1-ил)-тиокарбамид унуми 50 % ни ташкил этди. Унинг тузилиши ИҚ-спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинганда 1011 см<sup>-1</sup> соҳада нурнинг ютилиши ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 1401 см<sup>-1</sup> да ютилиши чизиғи ОН гуруҳ, 3436 см<sup>-1</sup> да -NH- гуруҳлар мавжудлигини билдиради. Реакция схемаси қуйидагича:




2-расм. 1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]-ферроцениламид масс спектри.

4-жадвал

**1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]-ферроцениламид элемент анализ  
натижалари**

Модда №	Формуласи	C, %		H, %		Fe, %		Т.с. °C
		Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	
IV	C <sub>18</sub> H <sub>17</sub> FeNSO <sub>2</sub>	58,6	58,85	4,41	4,63	14,6	14,7	158-159

**1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламид синтези.** *m*-Ферроценилбензой кислотаси монометиллолмочевина билан реакциялари натижасида ҳосил бўлган аралашма колонкали хроматография усули билан бир-биридан ажратиб олинди. Синтез қилиниб олинган 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламид унуми 52 % ни ташкил этди. Бу модданинг ИК спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинганда 1102 см<sup>-1</sup> да нурнинг ютилганлиги ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 1403 см<sup>-1</sup> да ютилиши чизиғи ОН гуруҳ, 3581 см<sup>-1</sup> да -NH- гуруҳлар мавжудлигидан далолат беради. Реакция схемаси қуйидагича:




5-жадвал

**1'-(3-карбоксофенил)-1-N-метилоксиферроцениламид элемент анализ натижалари**

Модда №	Формуласи	C, %		H, %		Fe, %		Т.с. °С
		Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	
V	C <sub>19</sub> H <sub>16</sub> FeNO <sub>4</sub>	60,14	60,16	4,45	4,48	14,70	14,77	142-143


**1'-(3-карбоксофенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид синтези.**

*m*-Ферроценилбензой кислотасининг монометилолтиомочевина билан реакциялари натижасида ҳосил бўлган аралашма колонкали хроматография усули билан ажратилди. Синтез қилиниб олинган асосий модда - 1'-(3-карбоксофенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамиднинг унуми 55 % ни ташкил этди. Бу модданинг тузилиши ИК спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинганда 1110 см<sup>-1</sup> да нурнинг ютилганлиги ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 1461 см<sup>-1</sup> да ютилиши чизиғи ОН гуруҳ, 3103 см<sup>-1</sup> да -NH- гуруҳлар мавжудлигидан далолат беради. Реакция схемаси қуйидагича:



**1'-(3-карбоксофенил)-1-тиоамидферроцен синтези.**

*m*-Ферроценил-бензой кислотасини тиомочевина билан реакциялари натижасида ҳосил бўлган аралашма колонкали хроматография усули билан ажратилди. Ажратиб олинган асосий модда - 1'-(3-карбоксофенил)-1-тиоамидферроцен-нинг унуми 52 % ни ташкил этди. Унинг тузилиши ИК спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинганда 1000 ва 1104 см<sup>-1</sup> даги ютилиш чизиқлари ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 3428 см<sup>-1</sup> да ютилиши чизиғи -NH<sub>2</sub> гуруҳ, 814 ва 1230 см<sup>-1</sup> да бензол халқаси, 1269 см<sup>-1</sup> да -C(S)- гуруҳлар мавжудлигидан далолат беради. Реакция схемаси қуйидагича:



1'-(3-карбоксофенил)-1-тиоамидферроцен масс-спектроскопия методи ёрдамида анализ қилинди. 419  $m/z$ , 391  $m/z$  да функционал гуруҳлар чўққи берганлиги кузатилди.

#### 6-жадвал

#### 1'-(3-карбоксофенил)-1-тиоамидферроценнинг элемент анализ натижалари

Модда №	Формуласи	C, %		H, %		Fe, %		T <sub>c</sub> , °C
		Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	
VII	C <sub>18</sub> H <sub>15</sub> FeNSO <sub>2</sub>	59,11	59,18	4,04	4,11	15,29	15,34	145-146

Бирикмалар синтезини амалга ошириш учун квант кимёвий ҳисоблашлар натижасида реакцияга киришувчи ҳар бир реагентнинг ва реакция ҳосилаларининг тўла энергия қийматлари Хартри-Фок методида эритувчиларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилди. Бундан ташқари ҳар бир реагент молекулаларининг электрон тузилиши аниқланиб, атомларда электрон зарядлар тақсимооти ҳамда геометрик катталиклар боғ узунлиги, тартиби, валент бурчаклар ва торсион бурчаклар катталиклари ҳисобланди. Олинган маълумотлар адабиётларда келтирилган параметрларга мос тушди. Молекуланинг электрон тузилиши ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб алоҳида атомларнинг реакция қобилиятлари аниқланди. Олинган натижалар асосида реакциянинг эҳтимоллик ҳосилалари ҳисобланди ва реакциялар асосий маҳсулотларининг юқори унум билан чиқиши назарий жиҳатдан асосланди.

Диссертациянинг “Синтез қилинган бирикмаларни биологик фаоллиги” деб номланган учинчи бобида синтез қилинган препаратлар орасида биологик фаолликка эга бўлганлари лаборатория ҳамда дала амалиёти тажрибаларида синовдан ўтказилганлиги муҳокама қилинган Моддаларнинг биологик фаоллигини аниқлашнинг кенг тарқалган усуллардан бири Калининвич усулидир.

Синтез қилинган бирикмалар лаборатория шароитида ушбу усул бўйича синовдан ўтказилди.

Мисол тариқасида 7-жадвалда синтез қилинган моддалар орасида фаоллиги юқорироқ бўлган моноферроценметиленидимочевина, *m*-ферроценбензойтиомочевина, ферроценмонометилолмочевина, *p*-ферроценфенолмонометилолмочевиналарнинг 0.01 ва 0.001 % ли эритма-ларининг чигитнинг униш энергиясига ва унувчанлигига таъсирини метиленидимочевина, монометилолмочевина, МИВАЛ каби моддаларнинг шундай концентрацияли эритмалари ва дистилланган сувга таққослаб ўрганиш натижалари келтирилган.

## 7-жадвал

**Лаборатория шароитида моноферроценилметилендимочевина,  
метилендимочевина ва монометиллолмочевинанинг чигитнинг унишига  
таъсирини ўрганиш натижалари**

№	Препарат номи	Эрит- ма кон- цент- рация си, %	Униш энергияси, %					Унувчанлик, %				
			тажриба раками		ўртача	четла- ниш		тажриба раками		ўртача	четла- ниш	
			1	2		назоратдан	эталондан	1	2		назоратдан	эталондан
1	Моноферроценил- метилендимочевина	0.01	37	39	38	0	-5	78	82	80	+10	-9
		0.001	47	45	46	+8	+3	98	96	97	+27	+8
2	Метилендимочевина	0.01	30	34	32	-6	-11	73	77	75	+5	-14
		0.001	38	34	36	-2	-7	75	77	76	+6	-13
3	Монометиллол- мочевина	0.01	29	31	30	-8	-13	70	72	71	+1	-18
		0.001	33	31	32	-6	-11	71	75	73	+3	-16
4	м-ферроценилбензой тиомочевина	0.01	38	42	40	+2	-3	84	90	87	+17	-2
		0.001	49	47	48	+10	+5	97	99	98	+28	+9
5	Ферроценилмоно- метиллолмочевина	0.01	36	40	38	0	-5	80	84	82	+12	-7
		0.001	38	40	39	+1	-3	92	90	91	+21	+2
6	п-ферроценилфенол- монометиллолмочевина	0.01	37	39	38	0	-5	76	84	80	+10	-9
		0.001	43	45	44	+2	+1	87	93	90	+20	+1
7	МИВАЛ (эталон)	0.001	43	43	43	+5	-	87	97	89	+19	-
8	Сув (назорат)	-	40	36	38	-	-5	72	68	70	-	-19

## 8-жадвал

**ЎзПТИ Фарғона филиалида 2012-2016 йилларда ўтказилган тажриба  
вариантлари бўйича пахта ҳосилдорлиги, ц/га**

Вариант	Биостимулятор номи	Кўчат қалинли ги минг/га	2012 йил ўртача ҳосил	2013 йил ўртача ҳосил	2014 йил ўртача ҳосил	2015 йил ўртача ҳосил	2016 йил ўртача ҳосил	Йиллар бўйича ўртача ҳосил
1	Назорат	82,4	37,7	38,0	37,9	37,2	37,0	37,56
2	Бронотак	81,6	39,3	39,5	39,0	38,5	38,8	39,02
3	МИВАЛ	83,5	39,6	40,0	39,7	39,8	39,9	39,8
4	АДУМАХ	80,0	41,7	41,9	42,1	41,9	41,8	41,88
5	АДУМАХ	82,6	40,7	40,9	40,8	40,5	40,7	40,72
6	Ферростимулятор-1	80-90	-	40,1	39,9	40,0	39,9	39,97
7	П-4	80-90	-	40,0	39,8	39,5	39,5	39,7

2012-2016 йилларда Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Фарғона филиали пахта майдонларида ўтказилган тажриба натижалари асосида АДУМАХ биостимулятори билан чигитларни экишдан олдин (4) ҳамда чигитларни экишдан олдин ва шоналаш даврида ишлов берилганда (5) вариантларда юқори ҳосил олиниши тажрибалар асосида исботланди.

Андижон ва Фарғона вилоятларида 100 гектар ғўза майдонларида

АДУМАХ биостимулятори қўлланилганда ҳар бир гектар майдондан 582500 сўм жами 58 250 000 сўм соф фойда олинди.

Диссертациянинг **“Таркибида ферроцен ва метилолмочевина сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби асосида синфлаш”** бобида янги синтез қилинган ва мавжуд таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилаларини сақловчи моддаларга тегишли код рақамлари тавсия этилган.

02.00.09 – «Товарларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги бўйича товарларнинг кимёвий таркиби, кимёвий ва физикавий ва бошқа хоссалари асосида халқаро ТИФ ТН да код рақамларини белгилаш ва сертификатлар бериш муаммоларини тадқиқ этилади.

Бу ихтисосликда ТИФ ТН га кўра товарларни таснифлаш, сертификатлаш билан боғлиқ ҳолда моддаларнинг таркиби, олиниши, келиб чиқиши, тузилиши, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш каби кимёвий, технологик тадқиқотлар билан бир қаторда иқтисодий тадқиқотлар ҳам олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш борасидаги тадқиқот ишлари кенг қамровли эканлиги ва илмий ва амалий аҳамият касб этаётганини ҳамда бу тадқиқотлар мазмун жиҳатдан товарлар кимёсига оид эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон ОАК раёсатининг 2017 йил 28 сентябрдаги 242/4-сон қарори билан “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” ихтисослиги номи “Товарлар кимёси” деб ўзгартирилган ҳолда 02.00.09 ихтисослик шифри билан тасдиқланди.

Ихтисослик ўз номидан келиб чиққан ҳолда, товарлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки йўналиш, синфлаш ва сертификатлаш йўналишларида ўрганилади. Ҳар бир товар, савдо-сотик объекти сифатида, божхона юк баённомаси билан бирга божхона органларига тақдим этилади.

ТИФ ТН нинг асосий тадқиқот элементлари «товарлар» ва «номенклатура» терминлари ҳисобланади.

Товарлар – бу олди-сотди ёки айирбошлаш объектлари бўлган ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг натижалари, шунингдек транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектларидан иборатдир. Товарлар тури, келиб чиқиши, ишлатилиши, таркиби бўйича турли хил бўлади. Барча товарларни маълум тизим асосида номлаш, қўллаш учун уларнинг бир системага, яъни товарлар номенклатурасига киритиш, ташқи иқтисодий фаолиятда товарларнинг ягона қоидага бўйсунушига асосланган товарларни синфлаш тартибини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Номенклатура – лотинча «nomenclatura» сўзидан олинган бўлиб, фан ва техниканинг бирон бир соҳасида ишлатиладиган товар номларининг рўйхатлар йиғиндиси дир.



Синфлаш–деганда, турли хил товарларни уларнинг бажарадиган вазифаларига, таркибига, қиймати ва товарларга хос хусусиятларига кўра-гуруҳларга (позиция, подпозиция, субпозиция) бўлиш тушунилади. Товарлар кимёвий таркиби, ишлов бериш даражаси ва бошқа хоссалари бўйича ҳам синфланиши мумкин. Ушбу системага мувофиқ барча товарларга бўлим, гуруҳ ва гуруҳчалар бўйича алоҳида ТИФ ТН халқаро код рақами берилади.



Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси товарларни синфлашнинг асосий қоидалари асосида инсон эҳтиёжлари учун ишлатиладиган, ҳар қандай физик характерга эга бўлган товарларнинг код рақамларини белгилайди.

Пахта толаси ва унинг чиқиндилари, ўсимлик ёғи, нефть маҳсулотлари, кимёвий препаратлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа қатор товарларга халқаро код рақамлари беришда уларни кимёвий таркиби ҳамда физикавий хоссалари асосий мезон бўлиши аниқланди. Товарларни сертификатлаш масаласида ҳам ҳар қандай товарга сертификатлар беришда унинг кимёвий таркиби ва физикавий, биологик хусусиятларидан асосий мезон сифатида фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олиниб, товарларга халқаро код рақамлари бериш ва уларни сертификатлашда алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилишига халқаро миқёсда ҳам талаб юқорилиги маълум бўлди.

Тадқиқот ишини олиб бориш давомида таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари сақловчи бирикмаларни кимёвий таркиби асосида синфлашни қуйидаги омилларга эътибор беришни тавсия этилди (9-жадвал). Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ферроцен ва унинг ҳосилалари учун 2942 00 000 1, азот тутувчи ферроцен ҳосилалари учун 2942 00 000 2 код рақамлари ишлаб чиқилди.

#### 9-жадвал

#### Таркибида ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари сақловчи бирикмаларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича таклиф этилган код рақамлари

2942 00 000	--- бошқалар
<b>2942 00 000 1</b>	---- ферроцен ва унинг ҳосилалари  
<b>2942 00 000 2</b>	----азот тутувчи ферроцен ҳосилалари
2942 00 000 9	---- бошқалар

Тажрибаларда синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Ушбу бирикмаларнинг айрим хоссалари 10-жадвалда келтирилган.

## 10-жадвал

## Ферроцен ва метилолмочевина асосида синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари.

№	Модда номи	Формуласи	Тс., °С	Унум %	С, %		Н, %		Fe, %	
					Топ.	Хис.	Топ.	Хис.	Топ.	Хис.
1	N-метилокси-ферроцениламид	$C_{12}H_{13}FeNO_2$	145-146	52	55,4	55,6	4,95	5,02	21,4	21,6
2	N-ферроцениламид-метанкарбоксамид	$C_{13}H_{15}FeN_3O_2$	115-116	40	51,80	51,82	4,96	4,98	18,3	18,6
3	N-(ферроценилметил)-N'-метилоксикарбоксамид	$C_{13}H_{16}FeN_2O_2$	120	52	54,14	54,16	9,69	9,72	19,3	19,4
4	N-метилоксиферроценил-тиоамид	$C_{12}H_{13}FeNSO$	135-136	45	52,50	52,55	5,0	5,1	20,3	20,4
5	N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид	$C_{13}H_{16}FeN_2SO$	160-161	45	51,29	51,31	5,21	5,26	18,3	18,4
6	N-ферроценил-тиоамидометантиокарбоксамид	$C_{13}H_{15}FeN_3S_2$	102-103	52	46,81	46,84	4,1	4,5	16,7	16,8
7	N-ферроценоилкарбоксамид	$C_{12}H_{12}FeN_2O_2$	182-183	35	52,91	52,94	4,38	4,41	20,4	20,5
8	1-[N-метилокси-1'-(4-оксифенил)]ферроцениламид	$C_{18}H_{18}FeNO_3$	115-116	54	61,46	61,54	4,80	4,84	16,61	16,7
9	N-1-(4-оксифенил)-N'-ферроценилметоксикарбоксамид	$C_{19}H_{20}FeN_2O_3$	155-156	35	59,8	60,0	5,20	5,26	14,6	14,7
10	N-[1-(4-оксифенил)ферроценил]амидометанкарбоксамид	$C_{19}H_{19}FeN_3O_3$	130-131	50	58,0	58,0	4,63	4,83	14,1	14,2
11	N-метилокси(1'-ферроцен-1-ил)-тиокарбомид	$C_{18}H_{17}FeN_2SO_2$	147-148	50	58,6	58,85	4,41	4,63	14,6	14,7
12	N-метокси-N'-1'(4-оксифенилферроцен-1-ил)метан-тиокарбомид	$C_{19}H_{20}FeN_2SO_2$	116-117	42	57,57	57,57	5,0	5,05	14,11	14,14
13	N-[1-(4-оксифенил)-ферроцен-1-ил]-тиоамидометан-тиокарбомид	$C_{19}H_{19}FeN_3S_2O$	137-138	51	53,60	53,65	4,38	4,47	12,6	12,7
14	1-(4-оксифенил)N-ферроценоил-карбоксамид	$C_{18}H_{16}FeN_2O_3$	110-111	35	59,28	59,34	4,1	4,4	15,3	15,4
15	1'-(3-карбоксофенил)-1-N-ферроцениламидметан-карбоксамид	$C_{20}H_{19}FeN_3O_4$	120-121	52	56,8	57,0	4,47	4,51	13,25	13,30
16	1'-(3-карбоксофенил)-1-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид	$C_{20}H_{19}FeN_2O_4$	151-152	50	58,78	58,82	4,7	4,9	13,80	13,86

17	1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценил-амид	$C_{19}H_{16}FeNO_4$	142-143	52	60,14	60,16	4,45	4,48	14,70	14,77
18	1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценил-тиоамид	$C_{19}H_{17}FeNSO_3$	158-159	55	57,65	57,72	4,2	4,3	14,09	14,17
19	1'-(3-карбоксифенил)-1-N-ферроценилтиоамидо-метантиокарбоксамид	$C_{20}H_{19}FeN_3S_2O_2$	135-136	45	53,0	53,0	4,1	4,2	12,30	12,36
20	1'-(3-карбоксифенил)-1-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид	$C_{20}H_{20}FeN_2SO_3$	119-120	42	56,3	56,6	4,68	4,71	13,16	13,21
21	1'-(3-карбоксифенил)-1-N-ферроценоилкарбоксамид	$C_{19}H_{16}FeN_2O_4$	155-156	45	58,07	58,16	4,01	4,08	14,39	14,43
22	1'-(3-карбоксифенил)-1-тиоамидферроцен	$C_{18}H_{15}FeNSO_2$	145-146	52	59,11	59,18	4,04	4,11	15,29	15,34

## ХУЛОСАЛАР

“Ферроцен ва метилолмочевина ҳосилалари синтези ҳамда уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ферроцен, мочевина ва тиомочевина ҳосилалари билан борадиган реакциялари амалга оширилди.

2. Ферроценнинг монометилолмочевина, метилендимочевина, монометилолтиомочевина, диметилолтиомочевина, метилолдитиомочевина, биурет билан реакциялари ўрганилиб, асосий маҳсулот сифатида моноалмашиган ферроцен ҳосилалари ҳосил бўлиши исботланди.

3. *m*-Ферроценилбензой кислотасининг монометилолмочевина ҳосилалари билан реакциялари амалга оширилиб, уларнинг айрим физик-киёмий кўрсаткичлари ўрганилди.

4. Ферроценнинг метилолмочевина ҳосилалари билан реакциялари натижасида 22 та янги модда ҳосил бўлганлиги исботланди. Олинган ферроцен бирикмалари тузилиши ИҚ-спектроскопия, масс-спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинди. Синтез қилинган бирикмалар ичидан 10 таси биологик фаол моддалар бўлиб, уларни биологик фаоллиги лаборатория шароитида Калининвич методи, 4 таси эса Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган услублар асосида дала амалиётида синовдан ўтказилди.

5. Ферроцен ва метилолмочевинадан ташкил топган ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи «АДУМАХ» биостимулятори яратилди. «АДУМАХ» биостимулятори билан ғўзага ишлов берилганда гектаридан кўшимча 3-5 ц ҳосил олинди.

6. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ферроцен ва унинг ҳосилалари учун 2942 00 000 1, азот тутувчи ферроцен ҳосилалари учун 2942 00 000 2 код рақамлари ишлаб чиқилди ва улар божхона амалиётига тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ  
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЖИМАТОВ МАХСАДБЕК МУЙДИНОВИЧ**

**СИНТЕЗ ПРОИЗВОДНЫХ ФЕРРОЦЕНА И МЕТИЛОЛМОЧЕВИНЫ И  
ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/К37**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** **Аскарлов Иброхим Рахмонович**  
заслуженный изобретатель Узбекистана, доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович**  
доктор технических наук, профессор

**Исаков Мухаммаджон Юнусович**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов. на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан: “\_\_\_\_\_” 2018 года.  
(№ реестра протокола рассылки \_\_\_\_\_ от “\_\_\_\_\_” 2018 года.)

**А.Х.Хаитбаев**  
**Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор**

**М.Ахмадалиев**  
**Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.х.н., доцент**

**В.У.Хужаев**  
**Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н.**

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Увеличение числа населения планеты приводит всевозрастающей потребности к продукциям сельского хозяйства. Внедрение сельскохозяйственную практику биологически активных веществ, регулирующих роста и развитие растений, а также улучшающие качество продукции, позволяет найти положительные решения имеющихся в этой области проблем. В связи с этим, актуальными являются поиск новых источников, синтез и внедрение в практику новых видов биологически активных веществ.

Мировая сельскохозяйственная практика особое внимание обращает на синтез новых видов биологически активных соединений, благоприятно влияющих на рост и развитие, урожайность сельхозрастений, а также на повышение их эффективности. Эта тенденция требует синтеза на основе местного сырья, не уступающих по своим стимулирующим свойствам другим аналогичным веществам экологически чистых биостимуляторов. Особенно, важное значение имеют соединения, содержащие в своём составе ферроцен, метилолмочевину, тиомочевину и их производные, обладающие широким спектром биологического действия и отличающихся от других биостимуляторов безвредностью. Поэтому, выявление сырьевых ресурсов ферроцена и метилолмочевины, синтез на их основе новых биологически активных соединений для сельхозкультур имеет большое теоретическое и практическое значение.

С обретением независимости нашей Республики проводятся широкомасштабные реформы по развитию химической промышленности, и особенно в этой области большое внимание уделено созданию новых удобрений и препаратов, применяемых в сельскохозяйственной практике. В этом направлении в рамках программных мер достигнуты определенные результаты, в частности, в синтезе биологически активных веществ на основе некоторых неметаллов и металлоорганических соединений и их применении достигнуты большие практические результаты. Вместе с этим, недостаточного внимания уделялось к синтезу новых биологически активных веществ на основе комплексов ферроцена и метилолмочевины с использованием местного сырья.

В Стратегии действий<sup>2</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены значительные задачи по «ускоренному развитию производства готовой продукции с высокой добавочной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, а также внедрению с сельскохозяйственное производство интенсивных способов». Исходя из этих задач, в частности, выявление сырьевых ресурсов ферроцена и метилолмочевины в нашей республике, синтез на их основе новых биологически активных веществ, организация научно-исследовательских работ, направленных на их разделение на соответствующие классы по

---

<sup>2</sup> Указ президента Республики Узбекистан №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

химическому составу имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2884 «О мерах по развитию АО Узкимёсаноат» от 12 апреля 2017 года, в Указе президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование соответствует следующему приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Многие учёные провели исследования над ферроценом и его производными. В частности, в России А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, В.Д.Вильчевская, в Германии С.А.Шлэгль, в Грузии Л.Асатиани, в Белоруссии Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин, в Соединённых Штатах Америки Р.Б.Вудворд синтезировали алифатические, ароматические производные ферроцена.

Узбекские учёные-химики также осуществили исследовательские работы по изучению производных ферроцена. Они достигли при этом ощутимых результатов. Заслуженные изобретатели и рационализаторы Узбекистана, доктора химических наук, профессора А.Г.Махсумов, И.Р.Аскарлов и их ученики, кандидаты химических наук, доценты Т.Насриддинов, С.Каримов, Ш.М.Киргизов, А.М.Джураев осуществили ряд работ, достойных внимания. Над изучением производных монометиллолмочевины, диметиллолмочевины и диметилендимочевины работали такие известные ученые Узбекистана как М.Н.Набиев, Х.У.Усманов, К.С.Содилов, Б.М.Беглов, Х.Исаков.

В научной литературе приведены данные о синтезе алифатических и ароматических производных ферроцена, а также о полученных на основе метиллолмочевины и тиомочевины биологически активных веществ, но не встречаются сведения о синтезе соединений, содержащих производные ферроцена и метиллолмочевины, а также они не классифицированы по химическому составу. Поэтому, синтез соединений, содержащих в своем составе производные ферроцена и метиллолмочевины, определение их свойств физико-химическими способами, присвоение соответствующих товарных кодов по Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД) на основе химического состава имеет большое научно-практическое значение.

